



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 171 (13.504)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



ОНА ЮРТНИ МАДҲ ЭТМОҚ ЗАВҚИ

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари давлат музейида "Фидойинг бўлғаймиз сени, Ўзбекистон!" деб номланган маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Республика Маънавият ва маърифат маркази Мирзо Улуғбек тумани бўлими, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари давлат музейи ва Тошкент ҳарбий округи ҳамкорлигида уюштирилган тадбирда ижодкор санъаткорлар, маънавият тарғиботчилари, ҳарбий қисм аскарлари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари давлат музейи директори М.Нуриддинов, Ўзбекистон Республикаси халқ артисти З.Ашурова ва бошқалар истиклол туфайли асрий қадриятларимиз қайта тикланиб, аҳоли турмуш тарзи яхшиланаётгани ҳусусида сўз юритди.

– Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 27 июндаги "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма олти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарори ижроси дои-

расида қатор тадбирлар, давра суҳбатлари ва учрашувлар ташкил этилмоқда, – дейди Республика Маънавият ва маърифат маркази Мирзо Улуғбек тумани бўлими бош мутахассиси Жамшид Турсунов. – Бугунги тадбир ҳам улардан бири. Айниқса, тарихчи олимлар, актёр ва хонандалар, ижодкорларнинг Ватанимиз тарихи, бугунги фаровон ҳаётимиз, тинчлик ва оқилол ҳақидаги фикрлари иштирокчилар учун жуда фойдали. Чунки бундай тарғибот тадбирлари аҳолини ва ёшларни ватанпарвар қилиб тарбиялашда муҳим роль ўйнайди.

Ватан, мустақиллик, тинчлик, дўстлик ҳақида ижро этилган куй ва қўшиқлар, ўқилган шеърлар тадбир иштирокчиларига янада завқ-шавқ улашди.

Н.ЗИЁДУЛЛАЕВА,
ЎЗА мухбири

АҲИЛЛИГИМИЗ ВА БИРДАМЛИГИМИЗ НАМОЙИШИ

19-20 август кунлари мамлакатимизда Ватанимиз мустақиллигининг 26 йиллигига бағишланган умумхалқ хайрия ҳашари бўлиб ўтди.

Президентимизнинг 2017 йил 27 июндаги "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма олти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ, энг улуг, энг азиз айём – Истиқлол байрамини юксак савияда нишонлаш учун қизгин тайёргарлик кўрилмоқда. "Фидойинг бўлғаймиз сени, Ўзбекистон!" шiori остида пухта тарадуд кўрилатган бу йилги қўлғи сана арафасида барча юрдошларимиз мамлакатимиздаги тинч-осойишта ҳаётни, мусоффо осмонимизни, кўп миллатли халқимизнинг аҳил ва тотувлиги, жамиятимиздаги меҳр-оқибат, эъзоз ва ҳурмат, саховат муҳити энг катта бойлик эканини янада теран ҳис этмоқда.

Халқимизнинг бирдамлиги ва ҳамжиҳатлиги умумхалқ хайрия ҳашари мисолида яна бир бор яққол намоён бўлди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фармойиши асосида жорий йил август ойи мамлакатимизда ободонлаштириш ва тозалик ойлиги, 19-20 август кунлари эса умумхалқ хайрия ҳашари кунини, деб эълон қилинди.

Ўзбекна меҳнатсеварлик, аҳиллик, ҳамжиҳатлик рамзига айланган ушбу ҳашар юртимизнинг барча ҳудудларида, энг чекка қишлоқ ва овулларда, маҳалларда уюшқоқлик билан ўтказилди. Унда 18 миллион 675 мингдан зиёд юрдошимиз фаол қатнашди. Уларнинг 12 миллион 424 минг нафардан ортиги ёшлар экани янада эътиборлидир.

Ҳаётимизнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши ҳамда "Маҳалла" хайрия жамоат фонди республика бошқарувида умумхалқ хайрия ҳашарини юқори савияда ташкил этиш ва ўтказиш бўйича Ишчи гуруҳи тузилди. Икки кун давомида 41 минг гектарга яқин майдон ободонлаштирилиб, 27 минг километрдан зиёд ариқ-зовур ва лотоклар тозаланди. Зейратгоҳлар, қабристонлар тартибга келтирилди. Қарийб 18 миллион туздан зиёд дархат ва қўчқат шакл берилиб, оқланди. Ҳашар ишларига 17 мингдан ортиқ техника воситалари жалб этилиб, 62 минг тоннага яқин чиқинди белгиланган жойларга ташиб чиқарилди.

(Давоми 2-бетда)

ФАРОВОНЛИККА ЙЎҒРИЛГАН ТАШАББУСЛАРДАН ОДАМЛАР МАМНУН

Тошкент – Бекобод йўли бўйлаб борар экансиз, қатор тизилиб турган симёғочларда лайлақлар бир текис, батариб ин қурганини кўрасиз. Кўриб завқингиз келади, қойил қоласиз, фахрланасиз. Чунки, лайлақлар тинч ва оқилошта элни ошиён тутати.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 18 август кунини Бекобод шаҳрига ташриф буюрди. Ташриф режасига "Металлург" маданият саройида вилоят ва шаҳар фаоллари билан учрашиш киритилган. Йиғилиш бошланмасидан аввал бекободлик фермерлардан бири қизик бир воқеани сўзлаб берди.

Назаримизда, асосий мавзудан биров чекингандекмиз. Келинг, дастлаб шаҳар аҳолисининг Президентимиз ташрифидан кейинги таассуротлари, қалб кечинмалари билан ўртоқлашиб, фермернинг ҳикоясини кейин давом эттирсак.

Бекобод Олмалик шаҳри билан мусобақалашади

Давлатимиз раҳбари юртимизнинг қайси вилоят ё туманига бормасин, одамларни ўйлантираётган муаммолар, уларнинг орзу-умидлари, дарду ташвишлари билан қизикади, аҳоли бандлиги, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, ёшлар учун яратилган шароитлар каби муҳим ҳаётини масалаларни ўртага ташлайди, ҳудуд ривожига тўсиқ бўлаётган камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш йўли ҳақида фикр алмашади.

Бекобод шаҳрида ҳам шундай бўлди.

Ўзбекистон металлургия комбинатида бир гуруҳ ёшлар, ишчи-муҳандислар билан суҳбат чоғида Президентимиз корхона фаолияти, ишчиларга яратилган шароитлар билан қизикди.

Сир эмас, аксарият бекободликлар ҳаёти айнан шу корхона билан боғлиқ. Ишчиларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, уй-жой билан таъминлаш, фарзандлари таълим-тарбиясига қўлай шарт-шароит яратиш масалалари доимо долзарб бўлиб келган.

Давлатимиз раҳбари шаҳар аҳолисининг ҳаётини яхшилаштириш мақсадида қатор ташаббусларни илгари сурди.

Бекобод шаҳри билан пойтахтимиз ўртасида электричка қатнови йўлга қўйилди, ишчи-хизматчилар учун арзон уй-жойлар, уларнинг атрофида ижтимоий-инфраструктура объектлари барпо этилади. Бир йилдан сўнг, Мустақиллик байрами арафасида шаҳарда янги массив қад ростлайди. Давлатимиз раҳбари яхши ниятлар билан ушбу массивга "Мустақилликнинг 27 йиллиги массиви", деб ном беришни тақдир этди. Аҳолига қўлай турмуш шароити яратиш бўйича Бекобод ва Олмалик шаҳарлари ўзаро мусобақалашади. Кўрдингизми, биргина йиғилишда шунча тақдир ва ташаббус. Барчаси долзарб. Одамларнинг оғирини енгил, узогини яқин қилишга қаратилган.

Президентимиз билдирган бу ташаббуслар нафақат Бекобод, балки бутун мамлакатимиз ҳаётига, халқимизнинг муносиб турмуш кечирishi-га дахлдор масалалар бўлиб, барчанинг кўнгилни тоғдек кўтариб юборди.

– Ўзбекистон металлургия комбинати ва Бекобод цемент заводи ишчилари учун ҳар йили 1 минг 200 хонадон фойдаланишга топширилишни эшитиб, руҳланиб кетдим, – дейди Намжон Жўраев. – 18 ёшимдан буюн Ўзбекистон металлургия комбинатида ишлайман. 3 фарзандим бор. Турмуш ўртоғим шаҳар шифохонасида ишлайди. Рўзгордан орттириб, уй олишга маблағ жамғара олмаётган эдик. Президентимизнинг ишчилар учун кўп қаватли уйлар қўриш бўйича кўрсатма бергани оиламиз учун муҳим янгилик бўлди.

Шири ШИРИЕВ:

"ТУРКМАНИСТОН БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН ЎРТАСИДАГИ ДЎСТЛИК, ЯХШИ ҚЎШНИЧИЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ҲАР ҚАЧОНГИДАН ҲАМ МУСТАҲКАМ"

Ўзбекистон ва Туркменистон халқларини азалий қардошлик ва яхши қўшничилик муносабатлари боғлаб туради. Бугунги кунда мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар барча соҳаларда янги босқичга кўтарилган. Туркменистоннинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Шири ШИРИЕВнинг Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎЗА мухбири билан суҳбати шу ҳақда бўлди.

– Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жорий йил Туркменистонга икки марта ташриф буюрди. Ушбу ташрифлар мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларга қандай суръат бахш этди, эришилган келишувлар қандай амалга оширилмоқда?

– Икки қардош мамлакатларнинг давлат раҳбарлари ўртасидаги мулоқот мунтазамлик касб этгани Туркменистон ва Ўзбекистон ўртасидаги яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлашда стратегик аҳамиятга эга.

Мазкур учрашувлар ўзаро ҳамкорлини янада ривожлантиришга янги суръат бағишлади, узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган шерикликнинг барча йўналишларига мустаҳкам пойдевор қўйди. Ўзбекистон Республикаси билан Туркменистон ўртасида стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома имзолангани бунинг ёрқин тасдиғидир.

Туркменистон Президенти Гурбангули Берdimухамедов таъкидлаганидек, "...дўстлик, яхши қўшничилик, яқин савдо-иқтисодий ва гуманитар ҳамкорлик, ташқи сиёсий масалаларда ўзаро англашув нафақат халқларимиз манфаатларига хизмат қилади,

балки Марказий Осиё ва унинг ташқирисида ҳам хавфсизлик ва барқарорлиқни таъминлашда асосий омил бўлади".

Икки томонлама муносабатларимизда минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш масаласи алоҳида аҳамиятга эга. Шу ўринда мамлакатларимизнинг мазкур масалага доир ёндашувлари ўзаро масала ва исчил эканини таъкидлашни истардим. Туркменистон ва Ўзбекистон Марказий Осиёнинг тинч ва барқарор тараққиётини таъминлайдиган мустаҳкам ва самарали механизмларни яратиш, яхши қўшничилик муносабатларига риоя этиш ва ўзаро манфаатларни ҳисобга олишнинг қатъий тарафдоридир.

Бу борада қўшни Афғонистондаги вазиятга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Туркменистон ва Ўзбекистоннинг Афғонистон муаммосини ҳал этишга доир ёндашувлари ўхшаш эканини таъкидлаш лозим. Мамлакатларимиз Афғонистондаги вазиятни фақат тинч йўл билан, сиёсий воситалар орқали, кенг умуммиллий мулоқот асосида тартибга солиш мумкин, деган яқдил фикрда қатъийдир.

(Давоми 2-бетда)

XXI саҳоси
Барча манбаалардан олинган сўнги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Навоий вилояти Кармана туманидаги "Мирзачорбоғ" массивида янгиланган намунавий лойиҳалар асосида барпо этилган арзон уй-жойлар кам таъминланган ва эҳтиёжманд оилаларга тантанали равишда топширилди. Айниқса, Ватанимиз мустақиллигининг 26 йиллиги муносабати билан Президент совғаси – уч хонали ва 2 сотих ер майдонига эга замонавий уйлар қалитини олган карманалик 4 нафар жисмоний имконияти чекланган фуқаронинг қувончи чига сиймайди.

● Андижон вилояти шаҳар ва қишлоқларида "Фидойинг бўлғаймиз сени, Ўзбекистон!" шiori остида "Ёшлар поезди" тарғибот акцияси тадбирлари бўлиб ўтди. Тарғибот тадбирлари доирасида таълим муассасалари, маҳаллалар, ҳарбий қисмларга китоблар совға қилинди. Етим болалар, имконияти чекланган, кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандларига совға-саломлар улашилди.

● Қорақалпоғистон Республикасининг олис овулларидидаги тиббиёт муассасаларига тез ёрдам машиналари берилди. Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфига умумий қиймати 2 миллиард 580 миллион сўмликдан зиёд 62 тез ёрдам автомашинаси ажратилди. Нукусдаги "Ёшлар маркази"да ана шу автомашиналарни топширишга бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди.

● Тошкент вилояти Зангиота туманида "Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда сиёсий партияларнинг роли: хорижий тажриба

ва миллий амалиёт" мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят кенгаши томонидан ташкил этилган тадбирда Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, олимлар, партия фаоллари иштирок этди.

ЖАҲОНДА

● Кеча АҚШда миллионлаб одамлар 99 йилдан буюн илк бор тўлиқ қўш тутилишининг гувоҳи бўлишди.
● Кеча Ростов-Дон марказидаги турар жой секторидан чиққан қучли ёнғиндан 45 киши жабрланди, 7 нафар одам касалхонага ётқизилди, ўнлаб уйлар қуйиб, қул бўлди. Шу муносабат билан бутун Ростов областида фавқулодда ҳолат режими жорий этилди. Ушбу ҳудудда қора риэлторлар фаолият олиб борганлиги туфайли ёнғин чиқариб, аҳоли мол-мулкни йўқ қилиш моддаси бўйича жиноий иш очилди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ ЎН БИРИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИНING ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн биринчи ялпи мажлиси 2017 йил 24 август кунини эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ АЪЗОЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари эртага – 2017 йил 23 август кунини соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойесидида рўйхатга олинади.

Шири ШИРИЕВ:

"ТУРКМАНИСТОН БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН ЎРТАСИДАГИ ДЎСТЛИК, ЯХШИ ҚЎШНИЧИЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ҲАР ҚАЧОНГИДАН ҲАМ МУСТАҲКАМ"

(Давоми. Боши 1-бетда)

Тинчлик ва хавфсизлик масалалари билан бир қаторда мамлакатларимиз барқарор тараққиётнинг муҳим таркибий қисмлари – энергетик хавфсизлик, халқаро транспорт-транзит алоқасини ривожлантириш, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳаларида биргаликда ҳаракат қилмоқда.

Туркменистон ва Ўзбекистон минтақда йirik энергетик лойиҳаларни амалга оширишда фаол иштирок этмоқда. Йилга 25 миллиард куб метргача газ етказиш қувватига эга Туркменистон – Ўзбекистон – Қозоғистон – Хитой газ қувури лойиҳаси шулар жумласидандир.

Мамлакатларимизнинг транспорт соҳасидаги ҳамкорлиги ҳам мустаҳкамланмоқда. Бундан кўзланган мақсад – Марказий Осиё, Европа, Яқин Шарқ транспорт тизимларини бирлаштирадиган мустаҳкам замонавий инфратузилма яратишдир. Хусусан, Туркменистон Грузия, Туркия, Руминия ва бошқа мамлакатларнинг Қора денгиздаги портларига элтувчи Ўзбекистон – Туркменистон – Каспий денгизи – Жанубий Кавказ йўналиши бўйича транспорт йўлагини яратиш борасида ҳамкорлик қилишга тайёр. Бу борада Туркменистон ва Ўзбекистонни боғловчи Амударё устидан ўтган автомобиль ва темир йўл кўприкларини барпо этиш бўйича кенг қўламли иккита қўшма лойиҳа амалга оширилганини қайд этиш жоиз. Ушбу автомобиль кўпригининг узунлиги 1600 метр, темир йўл кўпригининг узунлиги 1750 метрдир.

Шунингдек, Туркменистон ва Ўзбекистон иштирокида Марказий Осиёдан Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларига халқаро транспорт ва транзит коридори барпо этиш бўйича 2011 йилда Ашхободда имзоланган беш томонлама битимни амалга оширишни янада фаоллаштириш юзасидан келишув мавжуд. Мамлакатларимиз саноат, қишлоқ хўжалиги, машинасозлик, транспорт, энергетика ва бошқа муҳим соҳаларда тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли асосда ҳамкорлик қилиб келмоқда.

– Халқларимиз ўртасидаги маданий-гуманитар алоқаларни янада мустаҳкамлаш борасида қилинаётган ишлар ҳақида сўзлаб берсангиз.

– Туркменистон ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар асрлар мобайнида шаклланган яхши қўшничилик, умумий тарих, тил, маданият, анъана ва урф-одатлар ўхшашлигига асосланган. Бугунги маданий-гуманитар ҳамкорлик ана шундай мустаҳкам пойдеворга таянган ҳолда изчил ривожланиб бормоқда.

Туркман ва ўзбек халқлари аждодларимизнинг бой маданият ва илмий меросини асраб-авайлаб, авлоддан-авлодга етказиб келмоқда. Халқларимиз бир-бирининг санъатини, адабиётини ўрганишга катта қизиқиш билан қарайди. Ушбу интилишни рағбатлантириш, доимий маданий ва илмий алоқаларни кенгайтиришни мақсад қилганмиз.

Туркменистон ва Ўзбекистон туризмин ривожлантириш борасида ҳам катта салоҳиятга эга. Бунда мамлакатларимизнинг бутун жаҳон эътиборини тортаётган бой тарихий-маданий мероси, ноёб табиий объектлари муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Туркменистон Ўзбекистон Республикаси билан маданий алоқаларни янада ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратади. Кейинги йилларда икки мамлакат санъат усталарининг қўшма концертларини ўтказиш, Туркменистон ва Ўзбекистонда ташкил этилаётган халқаро ижодий фестивалларда иштирок этиш анъанага айланган.

Туркменистон ва Ўзбекистон ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва ҳамкорлик муносабатлари бугун ҳар қачонгидан ҳам мустаҳкам, деяр қатъий айта оламиз. Биз келажакка ишонч билан қарашимиз, узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган ҳамкорлик режаларини ишлаб чиқишимиз учун барча асослар мавжуд.

– Яқинлашиб келаётган Ўзбекистон мустақиллигининг 26 йиллик байрами муносабати билан халқимизга тиллақларингиз.

– Фурсатдан фойдаланиб, қардош Ўзбекистон халқини мустақиллигининг 26 йиллиги билан чин қалбимдан муборакбод этаман, мамлакатингизга янада раванг ва янги-янги зафарлар тилайман.

Биз Туркменистон билан мустаҳкам ҳамкорлик алоқалари, ўзаро ҳурмат ва самимий муносабатлар боғлаб турадиган Ўзбекистон эришяётган улкан ютуқ ва марралардан ҳамиша хурсанд бўламыз.

А.САМАДОВ
ёзиб олди

Бугун юртимизнинг барча жабҳаларида "Фидойинг бўлғаймиз сени, Ўзбекистон!" бош ғояси остида турли маданий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда. Пойтахтимизда ҳам бундай тантаналар авжида. Яшнобод туманида жойлашган ҳарбий қисмда "Ватанга, халққа хизмат қилиш – олий саодат", деб номланган байрам тадбири ташкил этилди.

ВАТАНГА ХИЗМАТ ҚИЛИШ – ОЛИЙ САОДАТ

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинларига қарашли мазкур ҳарбий қисм ҳамда республика Маънавият тарғибот маркази Яшнобод туман бўлими билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда фахрийлар, танкили санъаткорлар, ижодкор зиёлилар ҳамда ҳарбий хизматчилар иштирок этишди.

Тадбирда сўзга чиққан ҳарбий қисм командири, подполковник Ербол Ризакулов ва бошқалар мустақиллик йилларида юртимизда амалга оширилган улкан ютуқлар, бунёдкорлик ишлари, спорт ва фан соҳасида қўлга киритилган ютуқлар, юрт тинчлиги, халқ осойишталиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар хусусида

сўз юритиб, буларнинг бари истиқлол шарофати билан амалга оширилаётганини таъкидладилар.

– Бундан 26-27 йил олдин кун келиб мамлакатимизнинг мустақиллик байрами катта тантаналар билан нишонланган, деса ҳеч ким ишонмасди, – дейди ҳарбий қисм фахрийлар кенгаши раиси Аҳмаджон Абдурахмонов. – Мен бу кунларни ўша даврлар билан таққослагим ҳам келмайди. Ўтган давр мобайнида юртимиз тасаввур қилиш қийин даражада ўзгарди, ривожланди. Номини дунёдаги ривожланаётган давлатлар қаторида тилга олинадиган бўлди. Ҳар бир соҳа: ишлаб чиқариш, илм-фан, спорт, тиббиёт, қурилиш ва бунёдкорликда энг замонавий технологиялар қўлланилмоқда. Ёшларимиз билимли,

интеллектуал салоҳияти юқори бўлиб етишмоқда. Аҳолимиз тинч ва осойишта юртда эзгу мақсадларни кўзлаб ҳаёт кечирмоқда. Ўйлайманки, буларнинг бари мустақиллигимиз туфайлидир.

Тинч ва фаровон юртда юксалиш, хотиржамлик бўлади. Юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва барқарорлик миллатлараро тотувлик, ўзаро ҳурмат муҳитининг таъминланишида муҳим аҳамият касб этади. Шу боис энг улугъ неъмат бўлган тинчликни мустаҳкамлаш, уни доимо асраш ҳар биримизнинг бурчимиз эканлигини тадбирда сўз олганлар алоҳида қайд этиб ўтдилар.

Танкили хонандалар томонидан ижро этилган куй-қўшиқлар иштирокчиларга кўтаринки кайфият улашди.

Абдуалим САЛИМОВ

Корхона суд томонидан банкрот деб эълон қилинди.

Аммо у бир йилдан ортиқ муддат мобайнида давлат реестридан чиқарилмади. Нимага?

ҲАМКОРЛИКДАГИ ИШЛАР САМАРАСИ

Тошкент шаҳар иқтисодий судининг ташаббуси билан ташкил этилган семинар-тренинг "Суд томонидан банкрот деб топилган ва бир йилдан ортиқ муддат мобайнида давлат реестридан чиқарилмасдан турган корхоналарни тугатиш юзасидан зарур чораларни қўриш, банкрот деб топилган, қонунда белгиланган муддатда тугатиш ишлари якунланмаган корхоналарни суд бошқарувчилари билан биргаликда тугатиш ишларини якунлаш бўйича тегишли чораларни қўриш ҳамда юзага келаётган муаммоларни қонуний ҳал этиш борасида амалий ёрдам" масалаларига бағишланди.

Тадбирда Тошкент туманлараро иқтисодий суди, Тошкент шаҳар прокуратураси, Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмақлашув ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси ҳамда Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармаси вакиллари иштирок этди.

Йиғилишда таъкидланганидек, бу борада тегишли чоралар амалга оширилаётганига қарамасдан айрим муаммолар ҳам кўзга ташланмоқда.

– Бугунги кунда иқтисодиётнинг барометрини ташкил қиладиган асосий мезонлардан

бири – корхоналарнинг нормал фаолият кўрсатиши муҳим аҳамият эга, – дейди Тошкент шаҳар иқтисодий суди раиси вазифасини бажарувчи Малика Қаландарова. – Бугунги кунда банкрот корхоналар тақдири нима бўлапти, уларни давлат реестридан чиқаришда нималар халақит берапти? Асосий мақсад битта: солиқ қарзи мавжуд корхоналарни ўз муддатида тугатиб, уларни давлат реестридан чиқариш чораларини қўриш. Бундан кейин қисқа муддатларда банкротликни якунига етказиб, сансалорликка йўл қўймасдан масалани ҳал этиш талаб этилади.

Маълумот ўрнида айтиладиган бўлсак, суднинг қарори билан банкрот деб топилган ва тугатиш ишлари бир йилдан ортиқ муддат мобайнида давом этиб келаётган корхоналарнинг сони Тошкент шаҳри бўйича 56 тани ташкил этади.

Йиғилишда Тошкент шаҳридаги солиқ қарзи мавжуд корхоналарга нисбатан банкротлик таъминлини қўллаш ва уларни қонуний тартибда ҳисобдан чиқаришда ўзаро ҳамкорликда қилиниши зарур бўлган ишлар белгилаб олинди.

Жасур ЭЛИМОВ

ФАРОВОНЛИККА ЙЎҒРИЛГАН ТАШАББУСЛАРДАН ОДАМЛАР МАМНУН

(Давоми. Боши 1-бетда)

– Қишнинг қорли-қировли кунларида иссиқлик таъминотисиз яшаш нақадар оғир эканини кўп қаватли уйларда яшовчилар яхши билади, – дейди "Пахтакор" маҳалласидан Илҳом Қўчқоров. – Болаларимиз совуқ кунда кўрпага ўраниб ўтиришга мажбур эди. Президентимиз Бекобод шаҳридаги барча кўп қаватли уйлар 100 фоиз индивидуал газ иситиш қозонлари билан таъминланишини таъкидлади. Нимасини айтмай, биз учун бу жуда катта хушхабар бўлди! Иситиш қозонлари лизинг асосида берилиши эса аҳоли учун янада катта қулайлик яратди.

– Корхонамиз бундан уч йил олдин "Навоий" эркин иқтисодий зонаси ҳудудида ташкил этилган, – дейди "Ariston thermo – UTG" қўшма корхонаси директори ўринбосари Нодир Қўжаев. – Барча вилоятларда техник хизмат кўрсатиш марказларимиз бор. Бекобод шаҳридаги кўп қаватли уйларга ўрнатиладиган қозонхоналар учун маблаг тез кунда ажратиладиган бўлди. Шаҳардаги уйларни куз-қиш мавсумига тайёрлаш, иссиқлик таъминоти масаласини зудлик билан ҳал этиш ишларини бошлаб юборамиз.

Болалар тўлиқ боғчага қамраб олинади

Маълумотларга кўра, бугунги кунда Тошкент вилоятида 406 мактабгача таълим муассасаси фаолият кўрсатмоқда. Президентимиз ташрифи давомида Бекобод шаҳридаги "Шудринг" номли 5-мактабгача таълим муассасасида бўлиб, бу ердаги лойиҳалар билан танишди.

– 18 август ҳаётидада унутилмас кун бўлиб қолади, – дейди ушбу мактабгача таълим муассасаси мудири Замира Турдибекова. – Шу кунни Президентимиз муассасамизга келиб, фаолиятимиз билан танишгани, Бекобод шаҳри мисолида боғча ёшидаги болалар мактабгача таълим муассасаларига тўлиқ қамраб олинишини айтгани кўнглимизни тоғдек кўтарди. Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 29 декабрдаги "2017–2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори асосида мактабгача таълим тизимига бўлган талаб бутунлай ўзгарди. Фаолиятимиз янги мезон асосида йўлга қўйилган бўлди. Энди болалар боғчаларга тўлиқ қамраб олинади. Бола шахси ривожланиши, ижодий-эстетик қобилияти, дунёқарашини бойитиш мактабгача таълим муассасасида тўлиқ амалга оширилади. Шу пайтгача боғчага борган бола билан уйда тарбия қўрган бола ўртасидаги фарқ катта муаммо эди. Энди бу тафовутга ҳам барҳам берилади.

– Ҳар бир мактабгача таълим муассасаси 120 ўринли бўлишини эшитиб, жуда руҳланиб кетдик, – дейди Истиқбол кўчаси, 42-1-уйда яшовчи Санобар Ҳошимова. – Сабаби, ўрин етишмаслиги боис кўпчилик ота-оналар фарзандини боғчага беролмасди. Давлатимиз раҳбари шу масалага ечим топиб бергани кўнглимиздаги гап бўлди. Фарзандларимиз замонавий боғчаларда, ҳеч кимдан кам бўлмаган шароитларда камол топишдан кўнглимиз тўқ.

Эзгулик уруғи

"Шудринг" болалар боғчасининг шундоққина ёнидаги уй тўсатдан мотам либосини кийди. Хонандан соҳиб Мухтор Миркомилонинг турмуш ўртоғи бевакт вафот этди. Икки гўдаги етим қолди...

Президентимиз марҳуманинг яқинларидан кўнгул сўради, чуккур ҳамдардик билдирди. Мутасадди раҳбарларга бошга мусибат тушган ушбу оилага ёрдам кўрсатиш бўйича топшириқ берди.

Марҳуманинг волидаси Насиба Содиқова кўзларида ёш билан кечинмаларини баён этди:

– Ҳеч ким фарзанд доғини кўрмасин экан. Инсон бошига оғир мусибат тушганида яқинларининг даладасига муҳтож бўлади. Худонинг ишлари қизик. Қаранг, Президентимиз мусибатли кўнунда ёнимда бўлди. Ростини, бундан бироз афсусдаман. Чунки, бутун мамлакат тақдири зиммасида бўлган давлат раҳбарининг шусиз ҳам таъвиши кўп-да... Бугун Президентимизнинг меҳрини ҳис қилдик. Умрлари зийда бўлсин!

...Энди ҳалиги фермер сўзлаб берган воқеага қайтсак.

– Даладан қайтаётган эдим, – дейди фермер. – Қўтилмаганда каттагина бир лайлак 5 метрлар чамаси баландликдаги уясида тушиб кетди. Югуриб бордим. Бехол, томоғи тўпдек шишиб кетган. Кўтариб, уйга олиб кетдим. Даволаб, парваришладим, тузалган, қўйиб юбордим. Лайлак аста парвоз қилиб уясига қўтарилди. Мен унга узоқ термулдим. У ҳам негадир узоқ кетгиси йўқдек. Мени таниб олган шекилли, ҳар кун даладан қайтишимни кузатиб туради...

– Қойил-эл! – ҳайратимизни яширолмай деҳқоннинг гапини бўлдик. – Болагимда буюм инсондан яхшилик кўрган лайлак унга олтин тарвуз уруғини ташлаб кетгани ҳақидаги эртанги хикоя қилиб берарди. Сизнинг лайлагингиз ҳам бирор нима атагандир...

Бу ҳазилимиздан сўхбатдошимизнинг юзлари янада ёришиб кетди:

– Юртимиздаги тинчлик-осойишталик, фаровонлик, дастурхонимиз тўқинлиги, фарзандларимизнинг ҳеч кимдан кам бўлмай камол топаётгани, Президентимиз эл-юрт манфаати йўлида амалга ошираётган эзгу ишлар... Энди айтинг-чи, булар қайси олтин тарвузнинг уруғидан кам?

...Олди деҳқоннинг бу жайдаги фалсафасида теран маъно, ҳаёт ҳақиқати мўжассам. Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида амалга оширилаётган сиёсат юрдошларимиз онгу ва тафаккурини тубдан ўзгартириб юбораётганининг далили шу эмасми?

Бекзод ХИДОЯТОВ,
Матназар ЭЛМУРОВОВ,
Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
ЎЗА МУХИРЛАРИ

АҲИЛЛИГИМИЗ ВА БИРДАМЛИГИМИЗ НАМОЙИШИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар, якка-ёлғиз кексалар ҳам эътибордан четда қолмади. 18 мингга яқин кам таъминланган оиланинг уй-жойи хашар йўли билан таъмирланди. 24 мингга яқин эҳтиёжманд оилага, жумладан, 8 мингга яқин ногирон ва ёлғиз қарияларнинг ҳолидан хабар олиниб, уларга моддий ёрдам берилди. Мазкур хайрия тадбирларига 5,3 миллиард сўмдан зиёд маблаг, шундан 900 миллион сўмга яқини "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ҳисобидан аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига беминнат мурувват ёрдами кўрсатишга сарфланди.

Хашар кунлари юртимиз маҳаллаларида 297 савдо ва маъийи хизмат кўрсатиш объекти – дукон, гўзаллик салони, сартарошхона, дорихона, тўйхона, кутубхона, новвойхона, маҳалла гузары, нурунийлар маркази фойдаланишга топширилди. Янгидан-

янги маҳалла фуқаролар йиғини бинолари, болалар спорт майдончалари ишга туширилди.

Халқимиз ҳамжихатлигининг ифодаси бўлган ушбу тадбир мамлакатимизнинг барча ҳудудларида кўтаринки руҳда, юксак савияда ўтказилди.

Нукус шаҳрининг "Қўна қалъа" маҳалла фуқаролар йиғини аҳли ҳам хайрия ҳашида фаол иштирок этди.

– Халқимиз тўйга тўёна ҳозирлаш, байрамларни тинч-осойишта, саранжом-саришта ўтказишга алоҳида эътибор қаратади, – дейди ушбу маҳалла фуқаролар йиғини раиси Гулинон Утемуратова. – Хашарда ҳудудимиздаги барча кўчалар ободонлаштирилди. Фахрийларимиз ёшларга бош бўлди.

Шуманай туманидаги "Маданият" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида эса замонавий "Китоб олами" дўкони қуриб битказилди. Мазкур мақсадларга "Маҳалла" хайрия жамоат фонди маблағлари ҳисобидан 500 миллион сўм ажратилди.

"Шарқ тароналари" ўн биринчи халқаро мусиқа фестивалига қизғин



ҳозирлик кўриладиган Самарқандда ҳам хашар тадбирлари кенг омма иштирокида ўтказилди. Аҳолининг барча қатлами, ёшга кеска, турли касб эгалари икки кун давомида қадимий ва ҳамиша навқирон шаҳарнинг кўча ва хиёбонлари янада обод бўлишига муносиб ҳисса қўшди.

– Маҳалламиз ҳудудида кўп қаватли 27 уй бор, – дейди ЎЗА муҳбирига Тошкент шаҳрининг Учтепа туманидаги "Ватанпарвар" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Мамлакатхон Ҳамидова. – Кўчалар, уйлар атрофи, болалар майдончаларининг ҳудудла-

ри тозаланди. Хашарда кўп миллатли маҳалладошларимизнинг бари фаол қатнашгани уларнинг шу Ватанга, унинг тақдирига бефарқ эмаслигини англатади.

Дарҳақиқат, умумхалқ хашари юрдошларимизнинг жонажон Ватанимизни, истиқлолни, унинг бебаҳо неъматларини, тинч ва осуда кунларимизни кўз қорачигидек асраб-авайлаш, шукроналик, юрт тақдири учун масъуллиқ, фидойилиқ туйғуси билан яшаётганини яна бир қарра намоён этди.

Н.УСМОНОВА

Реклама ўрнида

Қадрли ватандошлар!

“КО‘КША ТЕКСТИЛ”

масъулияти чекланган жамиятининг кўп сонли
жамоаси барчангизни ардоқли байрамимиз
– мустақиллигимизнинг 26 йиллиги
билан самимий табриклайди.
Юртимиз янада гуллаб-яшнасин,
хонадонларимиз,
маҳаллаларимиз обод бўлсин.
Юзингиздан кулгу, лабингиздан
табассум аримасин!

ТОШКЕНТ ШАҲАР ЭКОЛОГИЯ ВА АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ

азиз ҳамшаҳарларимиз ва
пойтахтимиз меҳмонларини
мустақиллигимизнинг 26 йиллиги
тантаналари билан муборакбод
этади!

Барчангизга сиҳат-саломатлик,
оилавий бахт, ишларингизда
зафарлар тилаймиз.

Халқимизга озодлик, хурлик
келтирган Истиклолимиз абадий
бўлсин!

АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

“EAST-WEST INVEST” МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

барчангизни Ўзбекистон Республикаси
мустақиллигининг 26 йиллиги байрами
билан самимий қутлайди.

Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин.

Мамлакатимизда тадбиркорлик
янада ривожлансин.

Ҳаммамизнинг хонадонимиздан
файз-барака аримасин,
тўй-тантаналар давом этаверсин!



Кўргазмалар

ЮРТИМ ШАМОЛИ

Ўзбекистон Бадий академияси Икшо Хираяма маданият карвон саройида мустақиллигимизнинг 26 йиллигига бағишлаб рассомлар Муҳаммаджон Рустамов ва ака-ука Нўмонжон ва Абдуллажон Холмирозевларнинг "Юртим шамоли" деб номланган шахсий кўргазмаси очилди.

Ўзбекистон Бадий академияси Бадий ижодкорлар уюшмаси масъул котиби Б.Обидов, Ўзбекистон халқ рассоми Л.Ибрагимов ва бошқалар юртимизда амалга оширилаётган улкан ислохотлар ҳамда тасвирий санъатга қаратилаётган юксак эътибор шу соҳада меҳнат қилаётган мусавирларни янада сермахсул ижод қилишга, излашга ва янги асарлар яратишга ундаётганини таъкидлади.


Кўргазмани томоша қилар экансиз ижодкорларнинг ўз йўналиши, ўзига хос услубига эга эканлигини ва ҳар бир сурат жаннатмакон дийоримизнинг гўзал лаҳзаларидан ҳикоя қилаётгандай таассурот қолдиради.

Кўргазмада санъатшунослар, рассомлар ва журналистлар иштирок этди.

Кўргазма 1 сентябргача давом этади.

Гулчехра ДУРДИЕВА

Реклама ўрнида



“ЎРИКЗОР САВДО КОМПЛЕКСИ” МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

азиз ҳамшаҳарларимизни мамлакатимиз
мустақиллигининг 26 йиллиги байрами билан
қизгин қутлайди.

Эзгу мақсадлар йўлида олиб бораётган
яратувчанлик ва бунёдкорлик ишларингизда
муваффақиятлар ёр бўлсин!

Спорт янгиликлари

ЗАМОНАВИЙ УСЛУБДА

Пойтахтимизнинг етакчи жамоаси “Пахтакор”да амалга оширилаётган ислохотлар футбол жамоатчилигини безътибор қолдирмаяпти.

Яқинда клуб вице-президенти Умид Аҳмаджонов ОАВ ходимлари иштирокида жамоадаги ўзгаришлар ҳақида маълумот берди. Унга кўра “Пахтакор” клуби қитъада энг кучли жамоалардан бирига айланиши керак. Шу мақсадда мураббийлар штаби селекция ишларини янада кучайтиради. “Пахтакор” академиясининг фаолияти яхши ишлаётгани учун жамоа умидли ёшларга таянади. “Қўқон-1912”да ўйнаётган Жавохир Сиддиқов эса “Пахтакор”да захира футболчилари етарли бўлгани сабаб фаолиятини

Қўқонда давом эттиради. Агар жамоага жалб этилган легионерлар ўйинида пасайиш сезилса бошқа футболчилар “Пахтакор”га таклиф этилади. Беш ёки олти ойдан кейин “Пахтакор” стадионида қурилиш ишлари бошланади. Янги стадион 30 минг томошабинни ўз бағрига олади. Асосийси, стадион мамлакатимизда янги технологиялар асосида қурилган иккинчи ёлғиз спорт мажмуасига айланади. Демак жорий йилги мавсумни “Пахтакор” жамоаси “Жар” стадионида эмас, ўз майдонида ўтказди.

Пойтахтимизда футбол бўйича 2002 йилда тузилган ўсмирлар жамоалари ўртасида “Пахтакор-79” клуби шарафига бағишлаб уюштирилган “Хотира қанотлари” турнири якунига етди.

ЁШ ПАХТАКОРЧИЛАР — ТУРНИР ГОЛИБИ

Мусобақа финалига бошқа жамоалардан кўра пухта тайёргарлик кўрган “Пахтакор” ва “Янги-ер” жамоалари етиб келишди. Учрашувнинг иккинчи бўлимида рақиб дарвозасига киритилган ягона гол Дилшод Нуралиев бош мураббийлигидаги ёш пахтакорчиларга муҳим ғалабани туҳ-

фа этди ва тошкентликлар турнир голиблигини кўлга киритишди. Учинчи ўрин учун наманганлик тенгқурлари билан беллашган “Пахтакор-2” жамоаси 2:3 ҳисобида мағлубиятга учради. Яқинда голиб ва совриндор жамоалар тақдирланди.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

ЭЛЕКТРОН ТИЗИМ АМАЛИЁТДА

“Пахтакор” клуби расмий сайти хабарига кўра, жамоа уй учрашувларида ўйинни стадиондан туриб кузатишга аҳд қилган мухлисларга қулайлик яратилди.

Эндиликда мухлислар учрашувларга чипталарни kassa.uz электрон тизими орқали харид қилиш имкониятига эга бўлишди. Мухлислар “Пахтакор” стадионида ўтадиган бахсларга чиптани истал-

ган жойда сотиб олишди. Хусусан, ўтган турдаги “Пахтакор” — “Нефтчи” ўйинига 11, 13, 31, 32, 33, 34, 35 секторлар учун чиқарилган чипталар kassa.uz.нинг спорт бўлимида сотувга қўйилди.

Қисқа қилиб айтадиган бўлсак, электрон ваучерни харид қилган мухлислар учрашув куни стадион кассасида уни чипта билан алмаштиради.

Маълумки, халқ хўжалиги ривожига газ ёқилғиси муҳим ва асосий ўринда турувчи неъматдир.

Шу боис мазкур неъматдан хавфсизлик қоидалари асосида фойдаланишга эътиборни кучайтириш ҳар биримиздан талаб этилади.

Бепарволик катта талафотларга олиб келишини ҳар биримиз ҳам тушунавермаймиз. Оддий ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслик бу энг қадри ва муқаддас оила, ширин фарзанд ва яқин инсонларидан жудо бўлиш, бир умрга ногирон одамга айланиб қолиш дегани.

Баъзи фуқароларимиз хавфсизлик қоидаларини билсалар-да унга лоқайдлик билан қарамоқдалар. Газ ҳидини сезганда гугурт қақиш мумкин эмаслигини унутиб, газ қувурларини ўзбошимчалик билан газ плиталарига резина шланглар ёрдамида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига зид равишда улаб, хонадонини талафотларга олиб келаётган инсонлар ҳам топилади.

Бундай асаббузарлик ва талафот бўлмаслиги, уйингизда офат балоси чиқмаслиги учун газдан фойдаланишда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишингизни сўраб эдик.

Д.ФАЙЗИЕВ,

Миробод тумани ёнғин хавфсизлиги бўлими инспектори, кичик сержант

“101”

“ТИЛСИЗ ЁВ”ДАН
ЭХТИЁТ БЎЛИНГ

Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан жойларда аҳоли ўртасида ёнғин хавфсизлиги қонун-қоидаларини тушунтириш ва уларга риоя қилиш бўйича учрашувлар мунтазам ўтказиб келинмоқда.

Амалга оширилаётган тадбирлардан кўзланган мақсад аҳоли ўртасида ёнғинга қарши курашни кучайтиришдан иборатдир.

Қоидаларга риоя қилинса ҳар бир фуқаро йиллаб йиққан мол-мулк, уй-жойини, қолаверса ўзи ва яқин кишиларининг ҳаётини асраб қолган бўлади. Шундай экан, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилиб, ўзимиз ва яқинларимиз ҳаётини асрайлик.

Р.ҒУЛОМОВ,

Учтепа тумани ЁХБ катта инспектори

Бугунги кунда ёнғинга қарши кураш, уларнинг олдини олишда замонавий техника воситалари самарали қўлланилмоқда. Ана шу воситалар орасида ёнғин хавфи ҳақида зудлик билан хабар берувчи хабарлаш воситалари, назорат мосламалари муҳим аҳамият касб этади.

Республикаимизда ҳам ёнғин хавфсизлигини таъминлаш борасида хорижий ҳамда ўз қорхоналаримизда ишлаб чиқариладиган назорат мосламалари ва хабарлаш воситаларига талаб юқори. Бу мосламаларни ўрнатиш орқали ёнғин туфайли келадиغان моддий зарарлар, одамларнинг ҳаёти, соғлиғига етказиладиган зарарнинг олди олинади. Шу туфайли ҳам бугунги кунда хавфсизликни таъминлаш самарадорлигини юқори даражага етказиш ҳисобидан одамларнинг ҳаёти ва кунлик эҳтиёжи учун талаб қилинадиган жиҳозларни муҳофаза қилмоқ зарур.

У.АҲМЕДОВ,

Учтепа тумани ЁХБ инспектори, кичик сержант



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ



Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@mail.uz

Буюртма Г. 835

ТЕЛЕФОНЛАР:

Эълолар: (0-371) 233-28-95
факс: (0-371) 233-29-55

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан рухсатга олинган

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
5001 нусхада босилди.
Қўғоз бичими А-2

Тошпириш вақти: 13.00

Нашрини етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаменти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета тахририни компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Нашр учун масъул
О. Ҳазратов

Босишга тошпирилди: 13.55



ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида
23 август кунини ҳаво ўзга-
риб туради, ёнғинчилик
бўлмайди. Шарқдан секун-
дига 3-8 метр тезликда
шамол эсади. Ҳарорат ке-
часи — 17-19, кундузи —

34-36 даража иссиқ
бўлади.
Ўзгидрометнинг
мониторинг хизмати
маълумотида кўра,
23 августда Тош-
кент шаҳрининг об-ҳаво
шароити шаҳар ҳаво му-
ҳитида зарарли моддалар-
нинг бир оз тарқалиб ке-
тишига имконият ярат-
ди, ифлосланиш даража-
си паст бўлади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмаҳонаси. Қорхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Ақмал АҚРОМОВ